
Туман ҳокими сайёр қабули

ЎЗ МУДДАТИДА ВА СИФАТЛИ

Ёзёвон тумани ҳокими Дилшоджон Джалилов Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар учун сайёр қабул ўтказди. Қабулда ҳоким ўринбосарлари, коммунал ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар. Туман ҳокимига фуқаролардан деҳқончилик қилишга ер, чорвачилик учун кредит, электр тармоқлари тортиш, ариққа дарбоза ўрнатиш, даволаниш учун ёрдам, уй-жойини таъмирлаш, тадбиркорлик қилиш учун саноат зонасидан жой, ҳовлисидан ўтган юқори кучланишли электр тармоғини кўчиришни сўраб мурожаатлар тушди.

Мурожаатчилар нафақат Қўрғонча, балки Сувлиариқ, Истиқлол, Тошҳовуз маҳаллаларидан келишганди. Ҳар бир мурожаат бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилиб, ўз муддатида ва сифатли бажариш вазифаси юклатилди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-11 17:44:29